«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Харид комиссияси
раиси ўринбосари
_________ А.Насирдинов
«___» Май 2022г.

"Ўзагролизинг" АЖда милий ва халкаро стандартларда тайёрланган молиявий ҳисоботини халқаро стандартларга мувофиқ мажбурий аудит текширувидан ўтказиш юзасидан аудит ташкилотини танлаш бўйича

# ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

Буюртмачи: «Ўзагролизинг» АЖ

Ташкент – 2022 й.

| Т/р | Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати | Асосий маълумотлар ва талабла таркиби |
|---|---|---|
| 1 | Буюртмачи | “Ўзагролизинг” АЖ |
| 2 | Ишлаб чиқиш асоси | Ўзбекистон Республикасининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги қонуннинг 35-моддасига асосан акциядорлик жамиятлари ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозимлиги белгиланган. |
| 3 | Хизмат тури | "Ўзагролизинг" АЖда милий ва халкаро стандартларда тайерланган молиявий хисоботини халқаро стандартларга мувофиқ мажбурий аудит текширувидан ўтказиш |
| 4 | Молиялаштириш манбаи | Ўз маблағлари ҳисобига |
| 5 | Хизматнинг энг юқори қиймати | 100 000 000 сўм, ҚҚС билан |
| 6 | Иштирокчилар қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак | - хизмат кўрсатиш учун зарур бўлган молиявий, моддий, кадрлар ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;<br>- шартнома тузиш ҳуқуқи;<br>- уларга нисбатан киритилган банкротлик жараёнларининг йўқлиги;<br>- йирик ташкилотлар ва корхоналар билан ишлаш (беш йилдан кам бўлмаган) тажрибасига ва аудиторлик хизматлари бўйича ёрдам кўрсатиш учун зарурий ходимларга эга бўлиши тажрибасига эгалиги;<br>- Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лаёқатига эгаллигини тадикловчи хужжат ва фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси полиси (ҳужжати)га эга бўлиши;<br>- Хизматлар кўрсатиш муддатлари ва ҳар бир хизмат миқдорини (сумма) алоҳида кўрсатган ҳолда тижорат таклифларини бериш; |
| 7 | Танловга иштирок этишига рухсат берилмайди: | - агар иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлса;<br>- буюртмачи билан суд ёки ҳакамлик муҳокамаси ҳолатида бўлса;<br>- виждонсиз ижрочиларнинг ягона реестрида жойлашган бўлса;<br>- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашда қарздорлиги бўлса. |
| 8 | Ишларни бажаришга қўйиладиган умумий талаблар, сифат кафолатлари | - Ижрочининг объектга ташрифи Буюртмачи билан олдиндан келишилган ҳолда иш вақтида амалга оширилади.<br>- Ташкилот иш вақти: душанбадан жумагача, соат 9.00 дан 18.00 гача. |
| 9 | Техник топшириқ ишлаб чиқишга бўлган талаб | Хизматлар кўрсатиш муддатлари ва ҳар бир хизмат миқдорини (сумма) алоҳида кўрсатган ҳолда тижорат таклифларини бериш;<br>Аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лаёқатига эгаллигини тадикловчи хужжат ва фуқаролик жавобгарлиги суғуртаси полиси (ҳужжати)га эга бўлиши;<br>Аудиторлик ташкилот тўғрисида маълумот, ташкилотининг ташкилий ҳуқуқий шакли, жойлашган ери, почта манзили, телефон алоқа рақами тўғрисидаги |

| | | |
|---|---|---|
| | | маълумотлар;<br>Аудиторлик ташкилот мутахассисларнинг таркиби ва малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар;<br>Аудиторлик ташкилотида доимий ишлайдиган халқаро ва бошқа сертификатларга эга бўлган ходимлар сони;<br>Суғурта полиси, давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома хужжатлар нусхалари;<br>Йирик мижозлар рўйхати ва аудиторлик ташкилотининг тажрибаси бўйича маълумот;<br>Шартнома предмети, устав капиталида давлат улуши 50% дан юқори бўлган ташкилотларнинг молиявий ҳисоботларини шу кунга қадар текширишларининг сонини алоҳида рўйхат шаклида кўрсатган ҳолда раҳбарнинг имзоси ва аудит ташкилотининг муҳри билан тасдиқланган тижорат таклифи бўлиши лозим; |